

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

## **83** Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1803-1*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 21 апрелдаги 01-02/19-34-сон қарори (рўйхат рақами 1803, 2008 йил 5 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 19-сон, 166-модда) билан тасдиқланган Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 7 февраль,  
01-02/19-09-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил  
7 февралдаги 01-02/19-09-сон қарорига  
ИЛОВА

**Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати  
декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«БҚД БЮДнинг шаклига мувофиқ электрон ёки қоғоз шаклида тақдим қилинади. БҚД қоғоз шаклида тақдим қилинган тақдирда у билан бирга унинг электрон нусхаси ҳам тақдим қилинади.

БҚДнинг электрон шакли (электрон нусхаси) божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.».

2. 4-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«БҚДнинг қоғоз шакли олти нусхада расмийлаштирилади. Бунда:».

3. 11-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«БҚДнинг электрон шаклида (электрон нусхасида) бундай ҳавола қилинмайди ва барча маълумотлар БҚДнинг тегишли устунларида тўлиқ кўрсатилади.».

4. 20-банд «муҳри ва имзоси» деган сўзлардан кейин «(БҚДнинг электрон шаклини электрон рақамли имзоси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 21-банд «шахсий рақамли муҳри» деган сўзлардан кейин «(БҚДнинг электрон шакли электрон рақамли имзоси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 22-банд «шахсий рақамли муҳри» деган сўзлардан кейин «(БҚДнинг электрон шакли электрон рақамли имзоси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 23-банд қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«БҚДнинг электрон шаклида (электрон нусхасида) «варақ орқасида» ёзуви кўрсатилмайди ва барча маълумотлар БҚДнинг тегишли устунларида тўлиқ кўрсатилади.».